



ИХТИРОГА НИСБАТАН ҲУҚУҚЛАРНИНГ РИВОЖЛАНИШ ГЕНЕЗИСИ: ХОРИЖИЙ ТАЖРИБА

Вахобжонов Дилмурод Дилшодбек угли

Одил судлов академияси мустақил изланувчиси

vahobjonovdilmurod87@gmail.com

<https://doi.org/10.5281/zenodo.18952537>

ARTICLE INFO

Qabul qilindi: 07-mart 2026 yil

Ma'qullandi: 09-mart 2026 yil

Nashr qilindi: 11- mart 2026 yil

KEY WORDS

ихтиро, патент ҳуқуқи, интеллектуал мулк, саноат мулки, патент тизими, Париж конвенцияси, Берн конвенцияси, инновация, халқаро ҳуқуқий муҳофаза.

ABSTRACT

Ушбу мақолада ихтирога нисбатан ҳуқуқларнинг шаклланиши ва ривожланиш генезиси таҳлил қилинган. Патент ҳуқуқининг тарихи, унинг ўрта асрлардаги дастлабки кўринишлари, кейинчалик миллий ва халқаро ҳуқуқ тизимларида шаклланиш босқичлари илмий жиҳатдан ўрганилган. Шунингдек, Англия, АҚШ ва Европа давлатларида патент қонунчилигининг ривожланиши, Париж ва Берн конвенцияларининг қабул қилиниши ҳамда интеллектуал мулкни халқаро даражада муҳофаза қилиш тизимининг шаклланишига оид масалалар таҳлил этилган. Мақолада хорижий тажрибани ўрганишнинг миллий қонунчиликни такомиллаштириш ва инновацион фаолиятни рағбатлантиришдаги аҳамияти асослаб берилган.

Интеллектуал мулк ҳуқуқи тизимида ихтироларни ҳуқуқий жиҳатдан муҳофаза қилиш масаласи алоҳида аҳамиятга эга. Ихтиролар инсоннинг илмий-техник ижодий фаолияти натижаси сифатида жамиятнинг инновацион ривожланишида муҳим ўрин тутди. Улар янги технологияларни яратиш, ишлаб чиқариш жараёнларини такомиллаштириш ҳамда иқтисодий самарадорликни оширишга хизмат қилади. Шу сабабли ихтироларга нисбатан ҳуқуқларни ҳуқуқий тартибга солиш, уларни самарали ҳимоя қилиш ва улардан оқилона фойдаланиш механизмларини ривожлантириш давлатнинг ҳуқуқий ва иқтисодий сиёсатининг муҳим йўналишларидан бири ҳисобланади.

Ихтирога нисбатан ҳуқуқларнинг шаклланиши ва тараққиёти узоқ тарихий эволюцияни қамраб олади. Патент тизимининг вужудга келиши, унинг ҳуқуқий асосларининг шаклланиши ва кейинчалик халқаро даражада ривожланиши ушбу институтнинг генезисини белгилаб беради. Турли мамлакатларда мазкур тизимнинг ривожланиши, аввало, иқтисодий тараққиёт даражаси, илмий-техник прогресс ва жамиятнинг инновацияларга бўлган эҳтиёжи билан бевосита боғлиқ бўлган.

Шу нуқтаи назардан, ихтирога нисбатан ҳуқуқларнинг тарихи ва ривожланиш босқичларини, шунингдек, хорижий давлатлар тажрибасини ўрганиш алоҳида аҳамият

касб этади. Ривожланган мамлакатларда шаклланган патент тизимини ҳамда уларнинг ҳуқуқий тартибга солиш амалиётини таҳлил қилиш миллий қонунчиликни такомиллаштириш, ихтирочилар ҳуқуқларини ишончли ҳимоя қилиш ва инновацион фаолиятни қўллаб-қувватлашда муҳим назарий ва амалий аҳамиятга эга.

Тарихий манбаларга кўра, дунёда ихтирога берилган илк патент 1421 йилда Италиянинг Флоренция шаҳрида тақдим этилган. У кемалар учун бурилиш механизминини ихтиро қилган машҳур меъмор ва муҳандис Филиппо Брунеллески номига берилган. Флоренция шаҳар ҳокимияти томонидан 1421 йил 9 июнда қабул қилинган ушбу қарор патент ҳуқуқи тарихидаги дастлабки ҳуқуқий ҳужжатлардан бири сифатида эътироф этилади. Мазкур ҳужжат ихтирочиларнинг интеллектуал меҳнат натижаларига бўлган ҳуқуқларини тан олган ва уларни рағбатлантиришга қаратилган ҳуқуқий механизмларни назарда тутган.

Европада патент ҳуқуқининг кейинги ривожланиши Буюк Британия амалиёти билан ҳам боғлиқдир. Масалан, 1449 йилда Англия қироли Генрих VI томонидан фламанд устаси Жонга Итон коллежи учун рангли ойна ишлаб чиқариш технологиясини жорий этгани муносабати билан махсус патент берилган. Бу каби имтиёзлар ихтирочиларни қўллаб-қувватлаш билан бирга, мамлакат иқтисодиётида янги технологияларни жорий этишга хизмат қилган.

Замонавий маънодаги патент тизимининг шаклланишида Венеция Республикасининг 1474 йилда қабул қилинган патент қонуни алоҳида ўрин тутди. Венеция Сенати томонидан қабул қилинган мазкур ҳужжат ихтирочиларнинг ҳуқуқларини ҳуқуқий жиҳатдан муҳофаза қилишга қаратилган биринчи тизимли қонун сифатида тарихга кирган. Унда ихтироларни давлат органларида рўйхатдан ўтказиш, ҳуқуқ бузилган тақдирда компенсация тўлаш, ихтирочиларни рағбатлантириш ва патент муҳофазасининг амал қилиш муддати каби муҳим масалалар белгиланган. Шунингдек, мазкур қонунга мувофиқ, амалиётга жорий этилган янги ихтиролар ҳақида республика ҳукуматига маълум қилиш мажбурияти жорий этилган ҳамда патент муҳофазаси муддати 10 йил этиб белгиланган. Илмий адабиётларда ушбу қонун замонавий халқаро патент тизимининг дастлабки ҳуқуқий асосларидан бири сифатида баҳоланади.

Патент ҳуқуқининг кейинги ривожланиш босқичи Англияда қабул қилинган ҳуқуқий ҳужжатлар билан боғлиқ. XVI–XVII асрларда Англия қироллари ихтирочиларга ёки айрим тадбиркорларга махсус имтиёзлар бериш орқали муайян товарлар ишлаб чиқариш ёки савдо қилишда монополия ҳуқуқини тақдим этган. Масалан, 1561–1610 йиллар давомида қиролича Елизавета I томонидан бир қатор шахсларга ишлаб чиқариш ва савдо соҳасида монополия ҳуқуқини берувчи 50 га яқин патент тақдим этилган. Бироқ айрим ҳолларда бундай имтиёзлар давлат хазинасини тўлдириш мақсадида ҳам берилгани сабабли жамиятда норозиликлар келиб чиққан.

Бу ҳолатларнинг натижасида патентлар бериш амалиётини ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиш зарурати юзага келди. Шу муносабат билан 1624 йилда Англияда “Монополиялар тўғрисидаги низом” (Statute of Monopolies) қабул қилинди. Мазкур ҳужжатга мувофиқ, патентлар фақат янги ихтиролар учун берилиши мумкинлиги белгилаб қўйилди ва уларнинг амал қилиш муддати 14 йил билан чекланди. Шу билан бирга, аввал берилган айрим монополиялар бекор қилинди ва жамият учун очиқ бўлган

ғоя ва ихтиролар умумий мулк сифатида эътироф этилди. Ушбу низом икки асрдан ортиқ вақт давомида Англия патент ҳуқуқининг асосий ҳуқуқий манбаи бўлиб хизмат қилди ҳамда кейинчалик замонавий Британия патент тизимининг шаклланишига, шунингдек АҚШ патент ҳуқуқи ривожланишига ҳам муҳим таъсир кўрсатди¹.

Профессор О.Оқюловнинг таъкидлашича, 1624 йилдан бошлаб Англияда патентлар бериш амалиёти ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солина бошлади. Мазкур даврдан эътиборан қирол ҳокимияти томонидан, асосан, янги ёки хориждан олиб кирилган технологиялар асосида саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш билан шуғулланувчи шахсларга махсус имтиёзлар — патентлар тақдим этилган. Бундай имтиёзлар янги технологияларни амалиётга жорий этаётган шахсларга уларни ўзлаштириш ва ишлаб чиқариш жараёнига татбиқ этиш даврида муайян ҳуқуқий кафолатларни таъминлашга қаратилган эди².

АҚШда патент ҳуқуқининг институционал шаклланиши мамлакат Конституцияси қабул қилинганидан кейин бошланди. Конституция ратификация қилинганидан бир йил ўтгач, 1790 йил 10 апрелда АҚШнинг биринчи Патент акти қабул қилинди. Ушбу ҳуқуқий ҳужжатга мувофиқ, “фойдали, муҳим ва янги” деб топилган ихтироларга 14 йил муддатга патент муҳофазаси берилган. Шунингдек, патент талабномаларини кўриб чиқиш жараёнида ихтиронинг моҳиятини аниқ ифодаловчи тўлиқ техник тавсифни тақдим этиш мажбурий талаб сифатида белгиланди. Мазкур қонун асосида биринчи патент 1790 йил 30 июлда Самуэль Хопкинсга карбонат калий олиш усули учун берилган.

Кейинчалик мазкур қонунчилик ҳужжати бир неча бор такомиллаштирилди. Жумладан, 1793 йилда киритилган ўзгартишларга мувофиқ, мавжуд ихтироларни такомиллаштиришга қаратилган янги маҳсулотлар ва технологиялар ҳам патентлаш объекти сифатида тан олина бошлади. 1836 йилда эса патент талабномаларини кўриб чиқиш тартиби янада мукамаллаштирилиб, ихтиронинг янгилигини экспертиза орқали текшириш амалиёти жорий этилди. Шу билан бирга, янги талабномаларни қабул қилишда ихтиро аввал маълум бўлган элементлардан фойдаланган бўлса ҳам, уларнинг янги усулда қўлланилиши талаб этилиши белгиланди.

1790–1836 йиллар давомида АҚШда ушбу қонун асосида ўн мингга яқин патент берилган. Бу эса мамлакатда илмий-техник тараққиёт ва инновацион фаолиятнинг жадал ривожланаётганини кўрсатади. Шу даврдан бошлаб ривожланган давлатларда ҳам патент ҳуқуқини тартибга солувчи махсус қонунлар қабул қилина бошлади. Масалан, Францияда биринчи патент қонуни 1791 йил 7 январда қабул қилинган бўлса, Испанияда 1820 йилда, Россияда 1870 йилда ва Германияда 1877 йилда тегишли қонун ҳужжатлари қабул қилинган. Бошқа қатор Европа давлатлари каби Японияда ҳам патент тизими XIX асрда шакллана бошлади.

XX асрга келиб патент тизими деярли барча давлатларда интеллектуал мулкни ҳуқуқий муҳофаза қилишнинг муҳим институти сифатида умумий аҳамият касб эта бошлади. Саноат ишлаб чиқаришининг ривожланиши ва технологияларнинг

¹ Owing Ideas: Chapter I: Patents English and Colonial Origins. URL: <https://law.utexas.edu/faculty/obracha/dissertation/pdf/chapter1.pdf>

² Оқюлов О. Интеллектуал мулк ҳуқуқи. Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси А.И.Мўминов номидаги фалсафа ва ҳуқуқ институти. – Т. 2005. – 40 б.

такомиллашуви натижасида патент ҳуқуқи тизими ҳам ўзгариб борди. Хусусан, патентга лаёқатли ихтиро тушунчаси аста-секин такомиллаштирилди. Агар дастлаб саноат учун фойдали бўлган ҳар қандай янги техник ечим патент билан муҳофаза қилинган бўлса, XIX аср ўрталарига келиб бундай ёндашув етарли эмаслиги аён бўлди. Шу сабабли кўплаб мамлакатларда, биринчи навбатда АҚШда, патентга лаёқатлилиқнинг қўшимча мезони сифатида ихтирочилик даражаси талаб қилина бошлади.

Хусусан, 1849 йилда АҚШ патент қонунчилигида патентга лаёқатлилиқ мезонлари янада кенгайтирилди. Унга кўра, агар муайян техник ечим соҳадаги мутахассислар учун мавжуд билимлар асосида аниқ ва равшан бўлмаса, у ҳолда бундай ечим ихтиро сифатида тан олиниши мумкинлиги белгиланди. Бугунги кунда мазкур мезон — яъни ихтирочилик даражаси — ривожланган давлатлар, шунингдек айрим ривожланаётган мамлакатлар патент ҳуқуқида ҳам патентга лаёқатли ихтирони аниқлашнинг муҳим шартларидан бири ҳисобланади. Шу билан бирга, ушбу талабнинг мазмуни вақт ўтиши билан такомиллашиб бориб, замонавий патент ҳуқуқида янада аниқ ҳуқуқий мезонлар орқали белгилаб берилмоқда³.

Турли давлатларда патент ҳуқуқи тизимининг ўзаро яқинлашувига Европа, Осиё, Африка ҳамда Лотин Америкасидаги мамлакатлар ўртасидаги иқтисодий интеграция жараёнлари ҳам сезиларли таъсир кўрсатди. Халқаро савдо ва технологик ҳамкорликнинг ривожланиши интеллектуал мулк объектларини ҳуқуқий муҳофаза қилиш соҳасида умумий қоидаларни ишлаб чиқиш заруратини юзага келтирди. Шу тариқа интеллектуал мулк ҳуқуқларини халқаро даражада муҳофаза қилиш масаласи глобал аҳамиятга эга бўлган ҳуқуқий муаммога айланди.

Мазкур масаланинг долзарблиги илк бор 1873 йилда Вена шахрида ўтказилган Ихтироларнинг халқаро кўргазмаси билан боғлиқ ҳолда яққол намоён бўлди. Ўша даврда бир қатор ихтирочилар ўз ихтиролари бошқа давлатларда ҳуқуқий муҳофазага эга эмаслиги сабабли кўргазмада иштирок этишдан бош тортганлар. Бу ҳолат интеллектуал мулк ҳуқуқларини халқаро даражада ҳимоя қилишнинг ягона механизмларини яратиш зарурлигини кўрсатиб берди. Натижада 1883 йилда саноат мулки объектларини муҳофаза қилишга қаратилган биринчи халқаро шартнома — Саноат мулкини муҳофаза қилиш тўғрисидаги Париж конвенцияси қабул қилинди. Кейинчалик, 1886 йилда муаллифлик ҳуқуқи соҳасида Бадий ва санъат асарларини муҳофаза қилиш тўғрисидаги Берн конвенцияси имзоланди.

Ушбу халқаро шартномалар асосида 1893 йилда Париж ва Берн конвенциялари фаолиятини мувофиқлаштириш мақсадида Интеллектуал мулкни муҳофаза қилиш бўйича Халқаро бюро ташкил этилди. Кейинчалик мазкур ташкилот 1967 йилда қайта ташкил этилиб, Бутунжаҳон интеллектуал мулк ташкилоти (WIPO) сифатида фаолият юрита бошлади. Бугунги кунда ушбу ташкилот интеллектуал мулк соҳасида халқаро ҳамкорликни ривожлантириш, ҳуқуқий стандартларни шакллантириш ва давлатлар ўртасидаги ҳамкорликни мувофиқлаштиришда муҳим ўрин тутди.

Умуман олганда, мулк ҳуқуқини ва инсоннинг интеллектуал салоҳияти натижаларини ҳуқуқий муҳофаза қилишга қаратилган дастлабки ҳуқуқий институтлар

³ Абраменко А.П. Основы патентоведения. Учебно-методическое пособие. – Павлодар, Павлодарский университет, 2004. – С. 100.

XV асрда шакллана бошлаган. Вақт ўтиши билан инсон томонидан яратилган илмий ва техник ишланмаларнинг аҳамияти ортиб, уларни ҳуқуқий жиҳатдан муҳофаза қилиш тизими ҳам изчил такомиллашиб борди. Бугунги кунда ихтиролар ва инновацион технологиялар жамият ҳаётининг ажралмас қисмига айланган бўлиб, улар иқтисодий ривожланиш ва илмий-техник тараққиётнинг муҳим омилларидан бири ҳисобланади.

Интеллектуал мулк объектларини муҳофаза қилиш тизимида патент ҳужжатлари ва уларнинг маълумотлар базалари алоҳида аҳамиятга эга. Патент ахборот ресурслари илмий-техник маълумотларни тизимлаштириш, янги ихтироларни таҳлил қилиш ҳамда инновацион фаолиятни ривожлантиришда муҳим манба ҳисобланади. Шу мақсадда турли давлатларда патент фондлари шакллантирилган. Жумладан, давлат патент фондиди шакллантириш ишлари 1966 йилдан бошланган бўлиб, унинг таркибидаги патент ҳужжатлари ҳажми ва қамрови жиҳатидан у йирик ахборот манбаларидан бирига айланган. Кейинчалик Республика ҳудудий патент фонди қошида 1993 йилда патентга оид ҳужжатлар фонди ташкил этилган бўлиб, у илмий тадқиқотлар ва инновацион фаолиятни ахборот жиҳатдан таъминлашда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Юқорида келтирилган таҳлиллардан кўриниб турибдики, ихтирога нисбатан ҳуқуқларнинг шаклланиши ва ривожланиши узоқ тарихий эволюцияни қамраб олади. Дастлаб ихтироларга нисбатан ҳуқуқий имтиёзлар алоҳида шахсларга монархлар томонидан берилган махсус рухсатлар кўринишида намоён бўлган бўлса, кейинчалик улар ҳуқуқий жиҳатдан мустақамланган мустақил институт — патент ҳуқуқи тизимига айланди. Ушбу жараён саноат тараққиёти, илмий-техник ютуқлар ва иқтисодий муносабатларнинг ривожланиши билан узвий боғлиқ ҳолда кечган.

Тарихий ривожланиш жараёни шуни кўрсатадики, патент ҳуқуқи дастлаб миллий ҳуқуқ тизимлари доирасида шаклланган бўлса-да, кейинчалик халқаро иқтисодий муносабатларнинг кенгайиши ва технологик ҳамкорликнинг ривожланиши натижасида унинг халқаро ҳуқуқий асослари ҳам шакллана бошлади. Хусусан, Саноат мулкни муҳофаза қилиш тўғрисидаги Париж конвенцияси ва Бадий ҳамда санъат асарларини муҳофаза қилиш тўғрисидаги Берн конвенцияси интеллектуал мулк ҳуқуқларини халқаро даражада ҳимоя қилишнинг муҳим ҳуқуқий асосларини яратди. Кейинчалик Бутунжаҳон интеллектуал мулк ташкилотининг ташкил этилиши мазкур соҳадаги халқаро ҳамкорликни янада ривожлантиришга хизмат қилди.

Шу билан бирга, патент ҳуқуқининг ривожланиш генезиси шуни кўрсатадики, ихтироларни ҳуқуқий муҳофаза қилиш тизими иқтисодий ривожланиш ва инновацион фаолиятни рағбатлантиришнинг муҳим воситаларидан бири ҳисобланади. Ихтирочиларга белгиланган муддат давомида мутлақ ҳуқуқлар бериш орқали давлатлар илмий-техник ижодни рағбатлантириш, янги технологияларни жорий этиш ва саноат тараққиётини қўллаб-қувватлаш имкониятига эга бўлади.

Бугунги кунда патент ҳуқуқи жаҳон иқтисодиётида инновацион ривожланишнинг муҳим ҳуқуқий механизмларидан бири сифатида намоён бўлмоқда. Илмий-техник тараққиётнинг жадал суръатларда ривожланиши ва глобал иқтисодий муносабатларнинг кенгайиши интеллектуал мулк объектларини ҳуқуқий муҳофаза қилиш тизимини мунтазам такомиллаштириб боришни талаб этмоқда. Шу нуқтаи назардан, хорижий давлатлар тажрибасини ўрганиш ва уни миллий қонунчиликни такомиллаштириш жараёнида инobatга олиш муҳим илмий ва амалий аҳамиятга эга